

## ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАНИШНИНГ МУХИМ ҚОИДАЛАРИ

X.A. Xolboyev <sup>1</sup>, Sh.Sh. Ataqulova <sup>2</sup>**Аннотация:**

Ушбу мақолада инглиз тилини самарали ўрганиш учун асосий қоидалар ва замонавий методик ёндашувлар таҳлил қилинган. Муаллифлар хорижий тилни ўрганишда иборалар ва аутентик материаллардан фойдаланиш, грамматикани амалий қўллаш, эшитиш ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, чуқур ўрганиш ва тўғри таржима усулларини қўллашга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлайди. Шунингдек, мақолада турли машқ ва дидактик материаллар мисолида ўқувчиларнинг луғат захирасини кенгайтириш, тилда эркин фикрлашни шакллантиришга қаратилган амалий тавсиялар берилди. Муаллифлар ўз шахсий педагогик тажрибаларига таянади ва инглиз тили ўқитувчилари учун фойдали методик кўрсатмалар таклиф этишга ҳаракат қилади.

**Калит сўзлар:** инглиз тили, ўқитиш усуллари, тил ўрганиш қоидалари, аутентик материаллар, грамматика, эшитиш кўникмаси, дидактик тавсиялар, амалий таълим

Мени бумақолани ёзишимга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йилнинг 20- август куни Ўқув адабиётларини чоп этишга рухсат бериш ҳамда фан ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги 312-сонли буйруғи асосида чоп этилган "English B1 workbook" китобининг 12 саҳифасида бурилган Турк тилшуноси талқин этган олти олтин қоида "Six golden rules" ундади. Улар қуйидагилардан иборат ва имкон қадар уни ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда ёритишга уриниб кўрдим.

**1. "Always study and review phrases not words"** Фақат ибораларни ўқи ва такрорла сўзларни эмас бу ҳолатда ўқувчи ёлғиз сўзнинг ўзини ёдлаб такрорлаши мувофақият келтирмайди ва у кўп қўлланилмаслиги оқибатида йўқолиб кетади агар биз ёд олган сўзларимиз асосида содда гаплар, диалоглар ёки кичик матнлар тузсак бу сўзлар ва шунингдек олдин ўрганилган сўзлар бизнинг миямизда мустаҳкам ўрин олади масалан эндигина ўрганиб бошлаган ўқувчилар учун оилага оид сўзларни касб ва сифатга оид албатта қисман грамматика асосида гап ва матнлар тузишга ёки диалоглар асосида суҳбат қуришга ундасак анча самарали бўлади масалан (My father is a doctor he is tall and strong- Менинг отам шифокор у узун бўйли ва кучли) Мен дарсларим давомида имкон қадар кичик мавзуларда гап тузишни тавсия этиб бораман масалан (Apple олма мавзусида ўқувчи билган сўзлари ва содда грамматик қурилмалар асосида гаплар тузади Apple is a fruit. It is delicious and useful . We grow apples in the garden . They ripe in summer or autumn. Олма мева у ширин ва фойдали. Биз олмаларни боғларда этиштирамиз улар ёз ва куз фаслларида пишиб этилади. ) Мен билим даражаси юқорироқ бўлган ўқувчилар учун баъзи матнлар билан ишлашни тавсия этаман ўқувчиларга алоҳида сўзлар ёд олганга нисбатан ибораларни устида ишлаш фойдали масалан "My day" (Менинг бир куним) мавзусида иборалар билан ўқувчиларни аввало таништирамиз.

	Иборалар	Таржимаси
1	To air one's room	Хонани шамоллатмоқ
2	Make one's bed	Ўз жойини тартибга келтирмоқ
3	To have breakfast	Нонушта қилмоқ
4	To have a snack	Тамадди қилмоқ
5	To do homework	Уйга вазифани бажармоқ

Мазкур сўзлар қатнашган бирор бир матн танлаб уни таҳлил қилиш керак.

[. Students Book 1 "O'zbekiston" Тошкент 2014 Бакиева Г. Ирисққлов А. Рашидова Ф. Каримов З.]

**2. "Don't study grammar"** Грамматикани ўрганма бу сенинг ўрганиш жараёнингни секинлаштиришга олиб келади. Масалан мен ва ўша даврда аниқроғи 2012 йилгача бўлган вақт давомида чет тилини ўрганган ўқувчилар асосан грамматик қурилмалар асосида гап тузар эдик холос ва биз гапиришимиз учун вақт ва сабр талаб этар эди, лекин бу билан умумун грамматика керак эмас деган

<sup>1</sup> Xolboyev Xushbek Ashirbekovich, SamDCHTI Payariq xorijiy tillar fakulteti, "Umumiy fanlar" kafedrası stajyor-o'qituvchisi

<sup>2</sup> Ataqulova Shaxlo Shamidullayevna, Sharof Rashidov nomidagi SamDU akademik litseyi ingliz tili fani o'qituvchisi

фикрдан йироқман албатта чунки грамматика бу тилшкносликнинг суягидир ва инчинун узисиз харакатлиниб бўлмайди фақатгина грамматик қурилмаларнинг мухими ва соддаларини амалиётда кўп қўллаш талаб этилади (Замонларнинг барчасини эмас асосан нутқда кўп қўлланиладиганларига кўпроқ эътибор қаратинг . Масалан инглиз тилида эркин гапира билиш учун асосан қуйдаги замонларни яхши билиш зарур.

Замон номи	Таржимаси
Present Continuous Tense	Хозирги давомли замон
Present Indefinite Tense	Хозирги ноаниқ замон
Present Perfect Tense	Хозирги тугаланган замон
Future Indefinite Tense	Келаси ноаниқ замон
Past Indefinite Tense	Ўтган ноаниқ замон
Past Continuous Tense	Ўтган давомли замон

Гапираётганда асосан боғловчи сўзлар ва иборалардан кўпроқ фойдаланинг:

Иборалар	Таржимаси
In my opinion	менинг фикримча
Well	яхши
Firstly	биринчидан
Then	кейин
Briefly speaking	қисқача айтганда

Briefly speaking, I would like to learn English. Қисқача айтганда мен инглиз тилини ўрганмоқчиман.

Мен ўқувчиларга бирор грамматик қурилмани ёд олиш ўрнига оддий гапларни турли (тил кўникмаларини баҳолаш тизимида баландроқ бал берувчи)шаклларини ўрганишни тавсия этаман масалан:

Гап номи	Таржимаси	Бошқа шаклаари
I like /I would like	Мен ёқтираман	I am keen on, I am eager to, I am a fan of I am crazy about

3.”**Learn with your ears, not with your eyes**”Кўзинг билан эмас қулоқларинг билан ўрган. Албатта чет тилини ўрганишни аудио ва видео материалларисиз тасавур этиб бўлмайди. Олдинги аксарият қўлланмалар ўзида эшитиш ёки кўриб ўрганишга мўлжалланган дисклари мавжуд эмас эди.Айни дамда барча дарсликлар барча кўникмаларга мўлжалланган дисклар билан таъминланган ва бу ўқувчини тез ўрганишига яқиндан ёрдам беради.Ўқувчи фақат матн китобларга боғланиб ёзиш,ўқиш ва қисман гапириш кўникмаларини(матн воқеаларини ўз-ўзига гапириш орқали ёки дўстлари билан муҳокама қилиш билан эшитиш ва гапириш кўникмаларини яшилаши мумкин)ўстириши мумкин лекин аудио ва видео материалларда берилган машғулотлар орқали ўқувчилар тил ўрганиши тезлашади. Ўқитувчи ўқувчиларни барча эшитишга мўлжалланган матреаллар(диск аудио ёзилмалар ва уларнинг сўзлари ёзилган қоғозлар) билан таъминлаши керак ва ўқувчилар уйда шу матреаллар орқали(ёзилган диалог ёки монологларни тинглаб ва улар билан имкон қадар такрорлаб бориши керак)дарсга тайёрланиб бориши уларда ўзгариш содир бўлишини тезлаштирмай қолмайди.Шунингдек ўқувчи айрим манологларни ўзи ёддан такрорлаб бориш уни хориж тилида ўйлашга ундайди асосан қизиқарли жанрдаги хикоялар ўқувчиларда катта қизиқиш ўйотмай қолмайди.Қўшиқлар хиргойи қилиши ёки шеърлар мутаола қилиши ҳам фойдадан холи эмас. [Students Work Book 1“Сано стандарт” Тошкент 2015 Рашидова Ф. Каримов А ]

4 “**Learn English deeply**” Инглиз тилини чуқур ўрган. Доимо ўзим ва ўқувчиларимга максимум эътибор ва харакат қилиш кераклигини ва шунда ўқувчи минимум маълумот эгаллаши мумкинлигини таъкидлаб бораман бу бизнинг донишманд халқимизнинг бир нечта мақоллари орқали ўз исботини топиб борганлиги ҳеч кимга сир эмас.Бирор бир сўзни ўрганиш учун бир нечта босқичлардан иборат машғулотларин олиб бориш эътиборга молик. (Масалан Pen-ручка деб оддийгина ўргатиш шу ҳолда уни қабул қилиш самарали эмас янихар бир сўзни атрофлича ўрганиш керак ва имкон қадар қуйидаги босқичларни босиб ўтишга уриниб кўриш керак :Pen-ручка 1 spelling –харфлаб таълафуз қилиш p,e,n. 2 writing –ёзиш“pen” 3. Translating-таржима қилиш “ручка” 4.Make up simple statements–содда гаплар тузиш “I have got 2 pens–Менинг 2 дона ручкам бор” 5.Showing the picture of pen or itself–Ручкани суратин ёки ўзини кўрсатиш. 6 Grammar –грамматика“countable noun–саналадиган от”) Ўқувчи бир кунда йигирматалаб сўзларни эмас балки бир сўзни бир неча бор такрорлаб ўрганиши керак.

5.”**Use only authentic English materials**”Фақат хақиқий(оригинал) материаллардан фойдалан. Албатта бу олтин қоида қайсидир юқорироқ босқичда ўрганаётган ўқувчиларга тавсия этилиши ҳеч кимга сир эмас. Ўқувчи бирор бир инглиз тилидаги дастур ёки филмларни кўриб бориши уларни тез ўрганишига ёрдам беради яни бу тингловчини тез тушуниб фикрлаб кетишига ва айрим сўзларни таълафузига эътибор

қаратишида қўл келади .Бирор бир интернет маълумоти ёки газета ва инглиз тилида чоп этилган китобларни ўқий билиш орқали ўқувчи луғат бойлигини кенгайтиради ва айрим сўз ва ибораларни матнларда келишини тушуниб боради.Албатта айрим матнларнитаржима қилиш уларда кўп вақтнинг кетишига сабаб бўлиши мумкин ва бу ўқувчининг зерикашига олиб келади бу ҳолатдан чиқиш учун имкон қадар матндаги ёки мақоладаги муҳим ядровий қисимга урғу беришга ургатиш керак .Ўқувчи берилган матнни тўлиқ таржима қилиши шарт эмас уни “scanning-туз кўз югуртириб чиқиш” қилиши фойдали. Ўқувчиларни асосан “IELTS reading task ўқиш топшириқлари” ларини бажартиришга жалб этинг(Масалан мен ўқувчиларга биринчи нотаниш сўзларни олиб чиқишини талаб қиламан ва кейинги машғулотга қадар улар имкон қадар ёд олиб келишга уринади ва натижада берилган матнни тушиниш осонлашади. Юқорида келтирилган имкон қадар тушунчам матнинг қийинлиги ва сўзларнинг кўплигига бориб тақалади) [. Students Book 1 “O‘zbekiston” Тошкент 2014 Бакиева Г. Ирисққлов А. Рашидова Ф. Каримов З.]

6.”Listen and answer, do not listen and repeat”Эшит ва жавоб бер лекин эшитиб такрорлашга одатланма.Бу ҳолатда ўқувчи катта матн ёки диалогларни ёдлаб худди берилгандек такрорлаб айтиш фойда келтирмайди имкон қадар берилган матннинг асосий мақсадини ёритишга ўриниш талаб этилади ёки хатто берилган хар бир сўзни, гапни синонимлари асосида қайта баён этишга ўқувчини ўргатиб бориш керак.Бу ҳолат шунингдек грамматикага боғланиб гап тузиш ёки хикоя тузишдан ўқувчиларни ҳолос этади.Имкон қадар ўқувчини ўйлашга мажбур этадиган матн ёки вазиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва бу ҳолат ўқувчини инглиз тилида фикрлашга ундайди.Агар аудио материаллар бўлса хар маълум бир вақтда тўхтатиб нима айтилганини қисман хулосалаб гапириш анча фойдали(Мен кўпинча “Listening –“Эшитиш дарсларида аввал уни муҳокама қилишни ўқувчилардан талаб этаман, Масалан неча киши суҳбатлашяпти, асосий мавзу нимага бориб тақалмоқда кўринишида савол жавоб қилиб бораман)

Мақоламнинг сўнгида хулоса ўрнида шуни айтишим мумкин биз айна дамда асосий мақсадимиз жамиятимизга етук кадрларни этказиб бериш экан имкон қадар барча мавжуд бўлган фойдали фикр ва усуллардан кенг фойдаланишимиз лозим. Мен бу мақолани ёзишга анча ўйландим кимдир мени “plagiarism-бошқаларнинг фикрини ўғирлаш”да айблашимумкин лекин мен мақолам орқалисизларнинг машақатли ишларингизга қисман бўлсада ёрдам бериш ниятида эканлигимни тушунсангиз кифоя. Агар берилган мақоламдаги ноўрин қайд этилган фикрлар бўлса тажрибали ўқитувчилар томонидан тўлдирилишига қарши эмасман ва шу орқали айрим ёш инглиз тили ўқитувчиларига ёрдам берган бўласиз.

#### Адабиётлар:

- [1]. И. А. Каримов "Uzbekistan on the threshold of the 21st century", 1997.
- [2]. Students Work Book 1“Сано стандарт” Тошкент 2015 Рашидова Ф. Каримов А.
- [3]. Students Book 1 “O‘zbekiston” Тошкент 2014 Бакиева Г. Ирисққлов А. Рашидова Ф. Каримов З.
- [4]. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
- [5]. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)